



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САҢЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan • 2003-yil, 1 avgust, • № 31 (3711)

ПРЕЗИДЕНТНИНГ БУХОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА САФАРИ



БУХОРО, 31 июль (ЎЗА махсус мухбири Фулом МИРЗО хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 31 июль куни Бухоро вилоятига бўлди.

Хар қандай ободлик кўнгилдан бошланади, деганди Президентимиз Бухоро вилоятига олдинги ташрифи чоғида. Юртбошимизнинг бу галги сафари ҳам Бахавуддин Нақшбанд зиёратидан бошланди.

Айтиши жоизки, вилоятда бошқа соҳалар қатори тарихимизни, миллий кадриятларимизни тиклаш, буюк аجدларимиз хотирасини ёд этиб, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Бобойи Самосий, Хўжа Али Ромитаний, Хўжа Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фаганавий, Саид Амир Кулол ва Бахавуддин Нақшбанд қадамжоларида амалга оширилаётган катта қўламдаги бунёдкорлик ишлари шулар жумласидандир.

Вилоят остонаси — аэропортдан Бахавуддин Нақшбанд зиёратгоҳига борадиган катта йўл замонавий талаблар асосида таъмирдан чиқарилиди. Эндиликда ойнадек яраклаб турган, кенглиги 27 метр бўлган мазкур йўл ёқалар барпо этилган сўлим гулзор, қулай ёритиш тизими кишининг баҳри дилини очади. Қадамжода катта микёсдаги тиклаш ва таъмирлаш ишлари давом этаётди.

Ислам Каримов ана шу яратувчанлик ишлари билан танишар экан, зиёратгоҳи таъмирлашда Самарқанд ва Шаҳрисабздаги тарихий қадамжоларни обод этиш борасида орттирилган ибратли тажрибалардан ижодий фойдаланиш зарурлигини қайд этди. Ҳазрат мақбарасига бориладиган йўлларни сариштабала, икки четига тут дарахлари экиш, зиёратгоҳ ҳовлисидаги ҳовузни, айвонлар, деворлар, устунлар, дарвозаларни миллий тарихий меъморлик намуналарини асосида қайта таъмирлаш юзасидан амалий таъйинлар берди.

Юртбошимиз XVI асрда барпо этилган, шўролар замонида унутилган, истиқлол йилларидагина эъзоз ва эътибор топан қадимий обиди — Чор Бақир меъморий ёдгорлигида ҳам бўлди.

— Афсуски, шундай муҳим тарихий ва маънавий аҳамиятга эга осори-атиқалар ҳақида халқимизнинг ақсариёти

кўп нарсани билмайди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Биз бу ерда мангуга қўним топган азият-авлиёларимиз хотиралари ҳақида ана шу ёдгорликка эъзоз ва эҳтиром кўрсатишга бурчликим.

Президентимиз мазкур меъморий обидани тарихини атрофлича ўрганиш учун тарихий олимлар, алоқадор ташкилотлар вакиллари билан иборат махсус ишчи гуруҳ тузиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Ушбу гуруҳ зиммасига Чор Бақир меъморий ёдгорлиги ва у билан бевоқифа боғлиқ улуг зотлар тарихини илмий-тарихий жиҳатдан пухта ўрганиб чиқиш ҳамда шу асосда алоҳида илмий тўплам, шунингдек, фотоальбом яратиш вазифаси юқланди.

— Сафардан мақсадим дала меҳнатчилари, мўл-қўл ҳосил этиштираётган деҳқонларимиз билан юзма-юз, самимий суҳбатлашиш, уларнинг турмуш шароити, қувончу ташвишлари билан имкон қадар яқинроқ танишишдир, — деди Ислам Каримов Вобкент туманининг Ином Наимов номидаги ширкат хўжалиги пудратчилари билан мулоқот пайтида.

Юртбошимиз кишлоқ меҳнат аҳлининг яшаш шароити, турмуши, уларга яратилган шароитлар билан қизиқди. Зотан, кишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодининг асосий бўғини ҳисобланади.

Ином Наимов номидаги ширкат хўжалиги аъзолари Соҳида Бердиева, Азиза Ярашева юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, халқимизга, хусусан, кишлоқ меҳнатчиларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимиз раҳбарининг дала меҳнатчилари билан суҳбати очик, самимий, ошқора руҳда ўтди. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йилги шундай давлатимиз раҳбари бу ерда иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг боришини юксак баҳолади.

Дарҳақиқат, вилоятда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган дастурлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Утган ярим йил давомида иқтисодиётнинг деярли барча соҳалари жадал ривожланди. Вилоят ялпи ички маҳсулоти 4,4 фоиз ўсди. Тadbиркорларга, айниқса, фермерларга банк хизмати кўрсатишни яхшилашга, қўлайликлар яратишга қаратилган минибанклар соғни ортди, бугунги кунда 23 тага етди.

Вилоят галлакорлари улкан ютуққа эришди. 408 минг тонна дон этиштирилди, ҳосилдорлик 50 центнерга етди.

Бу ўтган йилгидан 6 центнер кўпдир.

Айни чоғда далаларда ғўзанинг ривожини яхши. Вилоят миришқорлари бу йил 360 минг тонна пахта йиғиб-териб олишни мўлжаллаган.

Шу билан Юртбошимизнинг Бухоро вилояти бўйлаб сафари якунига етди. Куннинг иккинчи ярмида Ислам Каримов Қашқадарё вилоятига йўл олди.

ҚАРШИ, 31 июль (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ислам Каримов Қашқадарё вилоятига сафарини Қарши туманидаги "Беҳкент" элита уруғчилик хўжалиги аъзолари билан учрашувдан бошлади.

Суҳбат чоғида тулроқ унмдорлигини, мелiorация, ирригация, агротехника тadbирларининг самарадорлигини оширишга оид масалалар хусусида сўз борди.

Хусусан, ғўзага ўғит бериш масаласида атрофлича фикр юритилди. Минерал ўғитлар мезъирида берилса, тулроқ таркиби бузиламанлиги, унмдорлик сақлашни таъқидланди. Бунда маҳаллий ўғитдан фойдаланишнинг афзалликлари алоҳида эътибор қаратилди.

Қарши тумани С.Раҳимов номидаги ширкат хўжалиги вакиллари билан учрашувда ҳам кишлоқ хўжалигидаги долзарб вазифалар хусусида гап борди. Декон ҳисоб-китобни пишиқ-пухта қилиб ишласа ютади. Бунда, албатта, пахтанинг нави алоҳида эътибор бериш мақсада мувофиқдир. Ислам Каримовнинг фикрича, этиштирилган ҳосилнинг камида 70-75 фоизи биринчи навни ташкил этиши керак. Мухими, пахта тез ва сифатли териб олиниши лозим. Шундан эрга дам бериш, агротехника тadbирларини вақтида ва самарали ўтказиш имконияти анча кенгаши.

Ислам Каримовнинг таъкидлашича, пахта этиштиришда пировард натижа, яъни даромаднинг янада кўпайтиришни уйлаб иш юритиш керак. Чунки эндиликда этиштираётган пахтаимиз тўлалигича ўзимизники: ўзимиз сотамиз, ўзимиз фойдасини кўрамиз. Демак, пахтанинг нави ва сифати ҳақида ҳам ўзимиз қайғуришимиз зарур.

Президент Ислам Каримов вилоят фаоллари билан учрашувда Қашқадарёда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, уларнинг натижалари, вилоят меҳнатчилари олдига турган долзарб вазифалар хусусида суҳбатлашди.

(ЎЗА).

СУРАТДА: ташир пайти.

Интернет хабарига кўра яна икки ҳафтадан сўнг Вашингтон шаҳрида Бутун жаҳон шоирлари анжумани ўтказиларкан. Уш анжуманга дунёнинг элликтдан ортик мамлакатидан меҳмонлар бориши кутилмоқда. Бир неча аср муқаддам Беруний бобомизнинг тафаккур зибси ёритган уммон ортида жаҳоннинг наман деган шоирлари йиғилиб турса... Буюқда, Зоминнинг пурвиқор тоғлари бағрида эса ёш ўзбек адибларининг нафис мажлислари... Бунда рамзий бир маъно бор, албатта.

Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда истеъдод эгаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ўсиб-ўлайтиши, ўз истеъдодларини камолга етказиши учун катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Илм-фан, спорт ва санъатнинг турли

эътибор қаратилмоқда. Ҳа, собиқ Иттифоқнинг ҳеч бир минтақасида адабиётга бу қадар ғамхўрлик кўрсатилмаган, десак муболага бўлмас. Бир-икки мисол: "Жаҳон адабиёти" журнали ой сайин қўлимизга тегишмоқда. Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси ҳамда Президентимиз қўллаб-қувватлаши боис Ўзбекистон Миллий университетида Олий Адабиёт курси ташкил топди. Уш курснинг илк қалдирғочлари га ақинда диплом топирилгани хусусида ҳафталигимизда ёзган эдик. Эътиборли жиҳати шундаки, курс қалдирғочларининг деярли барчаси Зомин семинарлари иштирокчисидир.

Дунё микёсида ўзбеклар каби кўп шеър ёзаётган миллат йўқ, дейишди. Албатта, ёши билан ёзишнинг фарқи бор. Баъзи шеърлар машқ даражасидан на-

миллат маърифий келажагини таъминламоқ мақсадида келадилар Зоминга. Бу масканда истеъдод чарчоланади, сабоқ берилади, сабоқ олинади.

Навоий ҳазратлари лутф этгани янглиғ: *Эй навобхори оразинг суҳбатга эҳсонларинг ҳаво. Андиш ҳар булбул тоғи но барг билди. Милл наво.*

Тоғларнинг мусаффо ҳавоси ёш кўнгиллар ила уйғуллик касб этадиган кўн бу кун! Ўзбекининг ёш насли нималарга қодирлигини намойиш қиладиган кун бун! Шу каби эътибор ғамхўрлик амалга кўчар экан, миллат ҳеч қачон кам бўлмади. Қачонки, давлат раҳбари санъат аҳли ила дўст тунларкан миллат келажаги ёғдуга чўмади, қудрат, шону шавкат касб этади. Бир кўнам бир кун ана шу Зомин кенгаши иштирокчиларининг овози уммон орти қўтасида янграшига шак-шубҳа

НАФОСАТ АНЖУМАНИ

Бугун мамлакат ёш ижодкорларининг аънавий Зомин сабоқлари семинар-кенгаши ўз ишини бошлайди.

соҳаларида йил этган учқунга жиддий нигоҳ ташлаш аъмолга айланди. Зотан, Президентимиз ўқитрилганларидек, "Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онининг ижодий қучиға боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига гов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг қучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди".

Абдулхамид Чўлпон XX аср бошида шундай деган эди: "Адабиёт чин маъносига ила ўлган, сўнган қаралган, ўчган, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тосалайдирган, ўтқур юрак қирларини ювадурган тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурган, чанг ва тулроқлар тўлган кўзларимизни артув тосалайдирган булоқ суви бўлганликдан бизга гоят керақдир".

Бундан беш аср муқаддам айтилган сўзга диққат қилинг: *Олим-қўлқўш этми касб давлат қунидин, Ким торлар адаб узусини меҳнат тунидин, Гар йўқтур адаб, не суд олтин унидин, Элими адаби ҳушқор эрур олтунидин.*

Ҳазрат Навоийнинг пурмаъно байтлари бу! Бобокалониимиз "адаб" сўзини "адабиёт", тўғрироғи, "маънавият" маъносига ишлатади. Боиси ўша вақтларда адаб деганда руҳини тўшуниланг.

Хулоса шунки, Президентимизнинг оғоҳлангириб айтган ҳикматлари XX аср бошида ва бундан беш аср муқаддам экан! Юртбошимиз бойлиқка интилишни инкор этмаётганлар. Бу интилиш маънавиятнинг иккинчи, учинчи даражага туширмаслиги керак, демоқдалар, ҳолос. Ва ўша сўз иботи тарихисиде адабиётга жиддий

рига ўтмайди. Бирок, масаланинг яна бир жиҳати шундаки, хар қандай машқ ҳайрат билан бирга тугилади. Шеър ёзаётганлар — ҳайратли тирик одамлардир.

Шеърятга, қўшиққа иштиёқманд халқнинг ҳеч қачон энгиб бўлмайдми. Элимиз яхши-ёмон кунларида шунақа қадриятларга таяниб яшаб келган. Дардини шеър қилиб, қўшиқ қилиб айтиб овунган. Бинобарин, маънавий обидаларимиз бўйбаста Зомин тоғларидан кам эмасдир. Ер юзиде ҳазрат Навоий каби "қўб ва хўб" асарлар битган шоирлар кам дейдиларки, бу-да бўлса бизнинг бахтимиз. Ушадурдона асарларни ўз тилимизда ўқиб, бадиий тафаккур нелигини англаганмиз. Ҳазрат арабийда ёхуд форсийда ёзганлариде Сўзининг асл таъмидан бебаҳра қолган бўлур эдик.

Биз Навоий авлоди, шеърни азизу муҳаррам тутганлар авлодиданмиз. Шу боиски, рўйи заминнинг бир парчаси, меҳру муҳаббат, нафосат замани — Зоминга қадам борсаркамиз юзимиз ёришдиблар кетади.

Бугун Зомин боғларида баҳор ҳавоси кезиб юрибди. Боиси, Сўз байрами бошланган жойда баҳор бўлади. Сўз ифори юракларга баҳорни олиб киради. Ана шу анжумани миллат келажаги борасидеги қайғуришларнинг бир нишонаси.

Ўз асарларини намойиш қилмоқ учун, Сўз бобиде мулоқот қилмоқ ва янада аниқроғи

рига ўтмайди. Бирок, масаланинг яна бир жиҳати шундаки, хар қандай машқ ҳайрат билан бирга тугилади. Шеър ёзаётганлар — ҳайратли тирик одамлардир.


Шеърятга, қўшиққа иштиёқманд халқнинг ҳеч қачон энгиб бўлмайдми. Элимиз яхши-ёмон кунларида шунақа қадриятларга таяниб яшаб келган. Дардини шеър қилиб, қўшиқ қилиб айтиб овунган. Бинобарин, маънавий обидаларимиз бўйбаста Зомин тоғларидан кам эмасдир. Ер юзиде ҳазрат Навоий каби "қўб ва хўб" асарлар битган шоирлар кам дейдиларки, бу-да бўлса бизнинг бахтимиз. Ушадурдона асарларни ўз тилимизда ўқиб, бадиий тафаккур нелигини англаганмиз. Ҳазрат арабийда ёхуд форсийда ёзганлариде Сўзининг асл таъмидан бебаҳра қолган бўлур эдик.

Биз Навоий авлоди, шеърни азизу муҳаррам тутганлар авлодиданмиз. Шу боиски, рўйи заминнинг бир парчаси, меҳру муҳаббат, нафосат замани — Зоминга қадам борсаркамиз юзимиз ёришдиблар кетади.

Бугун Зомин боғларида баҳор ҳавоси кезиб юрибди. Боиси, Сўз байрами бошланган жойда баҳор бўлади. Сўз ифори юракларга баҳорни олиб киради. Ана шу анжумани миллат келажаги борасидеги қайғуришларнинг бир нишонаси.

Ўз асарларини намойиш қилмоқ учун, Сўз бобиде мулоқот қилмоқ ва янада аниқроғи

Баҳром РҶЗИМУҲАММАД



ЭР ЙИГИТНИНГ НОМУСИ МИЛЛАТИНИ УЙФОТАР



Ешларда орият қучли бўлади. Шу боис хар ишда ўзини кўрсатишга, ўз тенгурларидан кам эмаслигини намойиш этишга интилади. Қани энди, ўқийда ҳаммадан аълочи бўлса, юғуришда бошқаларни чанга қолдириб кетса, курашда ҳамма тенгурларининг курагини ерга текказса, кўча-кўйдан ўтганда одамлар «Яши йигит-жа!», дея алқаса, қишлоқ ёки маҳалларнинг рўёбога чиқиши хар қандай йигитнинг қучига қуч, гайратига гайрат қўшади, уни янада олижаноб қилади.

Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра қучли, биллимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» дея айтган давлати замирида ҳам аслида ёшларнинг орзу интилишлари учун имконият ва шарт-шароитлар яратишдек азгу ният мужжасам.

Самарқанд шаҳрининг қоқ маркасида, буюк соҳибқирон Амир Темурининг салоҳати хайкали пойида саф тортган аскарларга назар ташлар эканман, кўнгилдан ана шундай туйғулар келди.

Уш — 26 июн куни республикамизнинг барча йирик шаҳарларида Мудофая вазирлиги тизимида амалга оширилаётган ислохотлар туғайли ташкил этилган янги хизмат тури — сафарбар чакйрув резерви хизмати аскарлари тантанали маросимга тўпланди. Жанговар тайёргарлик илмидан сабоқ берган командирлари, ота-оналари, жамоатчилик вакиллари иштирокида Президентига, Ватанига ва халқига қасамёд қабул қилди.

Ҳали суҳбатлашмасдан, уларнинг қақнаб турган кўзлари, ёруғ юзлари, ўзларини дедилик туйишларига шундоқ назар ташлаб ҳам, йигитлар бир ойлик ҳарбий хиз-

мат бурчини ўтаганликларидан манмуни эканликларини илгаш қилди эмасди. Чунки энди у ҳам барча тенгурлар катори Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этди. Энди унинг ҳам ҳарбий гувоҳчоси бор.

Эндиликда у ҳам мутахассислиги тўғри келса, Куролли қўларда шартнома асосида хизмат қилиши, олий ҳарбий ўқитиш юрталарига ўқиниш қириши, солиқ божона идоралари, милицияда ва бошқа давлат муассасасида ишлайди.

Бир ойгана бўлсаям армия хизмати барибир бошқача экан. — деди ўзини Акрам Қурбанов деб таништирган аскар йигит. — Қўндалық катта йилгизом ҳар бир даврдан унмўли фойдаланишга ўргатган экан. Ёнг нўмаи, ўзининг жамиятга, Ватанга дровдор эканлигини хис этар экансан.

Шу кун бундай фикрларни қўнчилиқдан эшитдик. Уларнинг хаяжонли сўзлари бизга ҳам юқди. Йигитлик умрининг бир айёмига бутун бир замонини алишсан арзир, деб донишманд боболаримиз бежиз айтмаганини кўнгилдан ўтказдик. Сўз шеърга уланди.

КАСАМЁД

Сафарбар чакйрув резерви хизмати аскарларига

Эр йигитнинг қўнғилда эгарланган от ётар,	Ноқасе подол ишар бир қуниқ ҳаёт билан,
Қадам қўйса зулматта изларида тоғ отар.	Мангу жасоратга эш жўмардлик тарбияси.
Бутун миллат юкига елка тутар Эр йигит,	Темурий шикояту покиза инит билан
Эр йигитнинг номуси миллатини уйғотар.	Эл тинчлигини қўриқлар Ўзбекин Армийси.
Эр йигитнинг қўларни меҳнатта мойил булар,	Сизнинг хузуринизга Топкендан келажакман,
Ёр сочин сизлаганда инпадек майиш булар.	Самарқандлик йигитлар мардлининг билажакман.
Аммо Она-Ватани чорласа суячим деб,	Хур, озад Ўзбекистон — Она-Ватанга қасам,
Гузни каби залворни, зарангдек чакйр булар.	Мен ҳам сизга қўнғилб қасамёд қилажакман:
Бургут каби шиддатан, сафад тини каби бир саф,	Эр кишининг хар иши давуру даяронта мос,
Истиқлол томонасиз, сиз она халқинг тараф.	Найзасини ёвга тутмоқ бир фақат Ҳотамга хос.
Қолдирди юртининг сиздек фидойин фарзандларни қанлайин биласиз қазони даф.	То дийрим қасдила бор экан балоқўй кас Хар сўзим халқар каби, хар мўйим наптар қиле!


Саъдулла ҲАКИМ

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Мустиқиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳрида Утадиган байрам тантаналарига Самарқанд вилояти бадиий хаваскорлик жамоалари ҳам қизгин тайёргарлик қиришмоқда. Дастурни тайёрлашга Тойлоқ туманидаги Баҳоидир Сиросиждиновлар оилавий ансамбли ҳамда Каттакўрғон, Ургут, Булуғур, Жомбой, Пойарик туманлари рақосалари жалб қилинган.

Дилрабо УМАРОВА

ИЖДО ЭРКИ УЛУГДАЙ



Иждокорнинг вақти ҳаммиша тигиз. Агар у масъул лавозимда ишласа, бўш вақтини топиш янада мушкул. Таниқли рассом, Ўзбекистон Бадий академиясининг раиси Турсунали Кўзиев билан учрашиб суҳбатлашиш ҳам осон кечгани йўқ! Мулоқотимиз мустақиллик яратган имкониятлар, ижодий жараёндаги янгиланишлар, Ватан ва юрт қадрини ҳис этиш, бурч туйғуси тўғрисида. Куйида эътиборингизга ана шу суҳбатни ҳавола этамиз.

— Бадий академия ҳақида гап борар экан, унинг Мустақиллик шарофати билан ташкил топганини алоҳида таъкидлашимиз керак, — деди Турсунали Кўзиев. — Истиқлолга қадар Ўзбекистон рассомларининг ишлари рус санъати орасига қўшилиб кетганди. Агар, мабодо, бирорта рассомимизнинг номи кўриниб қолса ҳам, “қолок халқлардан мана шундай истеъдодларни биз етиштирдик”, деган гаплар бўларди.

Мустақиллик ўзбек рассомига ижод эркинлигини берди. Жаҳон бизнинг иждокорларимизни ўзбек рассоми сифатида тан олмоқда. Ўзбекистон тасвирий санъати жаҳонда кеңайган бадий жараёнинг бой ва ажралмас қисми сифатида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Тан олиш керак, истиқлолнинг дастлабки йилларида рассомларимиз орасида маълум иқкиланишлар ҳам бўлди. Илгаригидек бурюрта йўқ, топириқ йўқ. Боз устига “энди сизларда бадий ижод инқирозга юз тутди”, деган “баҳоратлар” ҳам эшитилиб қолди. “Хар қандай бўлса ҳам марказдан узилмайлик. Агар алоқани узиб юборсак, рассом қадрларини қаерда ўқитамиз, кўргазмаларни қаерда ўтказамиз?” дегувчилар ва уларнинг нўгорасига ўйнагувчилар ҳам топилди.

Шундай пайтда бир гуруҳ иждокорлар бозор қидириб кетдилар. Яъни бугун қайси мавзунинг “бозори чаққон”, харидор-ғир бўлса, уша мавзудаги асарларни қалаштириб ташлаб, тиркичкилик кетиға тўшиб, ижод қила бошладилар.

Хориждан баҳт ва омад қидирганлар ҳам бўлди. “Қаерда пул кўп бўлса, Ватан ўшадир” широрини бандан кўтарган бундай иждокорлар ўз йўллари билан кетдилар. Ана шундай — иждокор учун муҳим синов бўлган бир пайтда Ватанга, халқига, иждоига ишонган рассомларнига эътиқодидега собит турдилар. Мустаҳкам иродали ва имон-эътиқодли бу иждокорлар ўзлари орада ижоддан вийжон ва ижод эркинлигига эришганларини баралла ҳис қилдилар. Улар ўзлари яшаб турган давр, жамият ва муҳитда рўй бераётган тарихий ўзгаришларни теран идрок этдилар. Аждокорларимиздан мерос ҳақиқий санъат йўналишлари тиклана бошлади. Бир гуруҳ рассомларимиз неча ўн йиллик қоралб қелган тарихимиз, ҳўрланган халқимиз, қатагон бўлган аждокдорларимиз ҳақида асарлар яратиш истиғидега киришдилар. Яна бошқалари замонавий мавзуларда юртимиз ва унинг одамлари ҳақидаги изланишларни давом эттирдилар. Хуллас, ижодий жараён аста-секин изига тўшиб кетди.

Республикамиз ҳукуматининг, Президентиимизнинг бу соҳага эътибори, уни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган фармонлари ва қарорлари, хусусан, Бадий академиянинг ташкил этилиши кўп муаммоларнинг ечилишида катта аҳамият касб этди. Рассомларимиз миллий санъатимиз асосларини қайтадан шакллантиришга ва ривожлантиришга киришдилар. Шу ўринда тасвирий санъатда миллийлик тушуночасига тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Кўп ҳолларда миллийлик деганда (бу санъатнинг бошқа соҳаларига ҳам тааллуқли) дўппи, чопон кийган эркак ва атлас қўйлак, лозимли аёл қиёфаси тушуниб қелинган. Баъзилар том миллий ўзбекона қиёфалар ҳақиқатда шундай бўлиши керак, деб ҳисобладилар. Баъзиларга эса атайин, халқ устидан зимдан кулиш учун уни шундай қиёфадә сақлаш кулай эди.

Ваҳоланки, миллийлик тасвирий санъат асарининг ҳар бир чизгисидега уфурби туриши керак. Истаган ўзбек рассомининг суратини томоша қилган одам ундан қобиқ турган қиёфаларда, манзара ва деталларда ўзбекларгагина эса бўлган характер хусусиятларини, белгиларини, урф-одатларини, турмуш тарзини илғаб олиши лозим.

Эҳтимол, бугун рассомларимиз иждоид айнан шундай хусусиятлар билан бойиб бораётгани учун ҳам жаҳон миқёсидега кўпроқ эътироф этилаётгандир.

— Тасвирий санъатимизнинг бугунги ютуқ ва камчиликлари ҳақида қандай фикрдасиз? Қайси иждокорни фаол рассом сифатида эътирофга лойиқ, деб ўйлайсиз?

— Аввало, бугунги тасвирий санъатимиз жаҳонга “ўзбек тасвирий санъати” деган тушуночани олиб чиқди. Бу тасвирий санъат бой ва катта салоҳиятга эга бўлиб, хорижда юртимизни тарғиб қилишга, ўзимизда кишиларнинг, хусусан, ёшларнинг маънавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилипти. Кенг маънода гўзаллик ва нафосат тарғиботи билан шуғулланипти.

Бундан икки йил аввал Москвадаги Марказий кўргазмалар залида МДХ давлатлари иждокорларининг асарлари намойиш этилганди. Шу кўргазма “Ўн йил давомида Ўзбекистон санъати нимага эришди?” деган саволга жавоб берди. Яъни юртимиз рассомларининг ишлари энг яхши асарлар сифатида тан олинди. Хатто бизга хайрихоҳ бўлмаган баъзи журналистлар ҳам буну эътироф этишга мажбур бўлдилар.

Еш-еш истеъдод эгаларини айтаемизми! Қанча халқроқ танловлар ўтаётган бўлса, ҳаммасидан бош совринларни олиб қайтаптилар. Ҳўш, бунинг сири нимада? Бунинг сабаби, назаримда, бизнинг жажжи рассомларимиз ўз суратларида фақат ўзларининг, болаларининг дунёсини эмас, балки халқимиз яшаётган муҳитни, кишиларимиз ички оламиди бера олаётганларида.

Катта санъаткорларимизнинг ўзимизда ва чет элларда ўтаётган кўргазмаларидан, мемимча, ҳамма яхши хабардор. Муҳими, чет элдан бирор кўргазма беиз кетаётгани йўқ, йилдан-йилга ўзбек тасвирий санъатига қизиқиш кучаймоқда.

Ўзбекистонда, хатто хорижда ҳам буюқ аждокдорларимизга бағишланган кўпбал хайқаллар ўрнатилди ва ўрнатилляпти. Хабарингиз бор, Москвада сўз мулкунинг султони Алишер Навоийга ҳайқал қўйилди. Белгрияда эса аллома Ибн Сино ҳайқали қад кўтарди. Японияда Мир Алишер Навоий ҳайқалини очкишга тайёргарлик қўрилмоқда. Шуниси муҳими, кў хайқалларнинг барчасини ўзимизнинг юртдош рассомларимиз ишлаганлар.

Беш нафар ўзбек ва тўрт нафар америкалик рассомлар бирлашди, ассоциация туганалар. Улар ҳамкорликда ҳар йили бир марта кўргазма ўтказадилар.

Рассомларимизнинг ютуқлари ҳақида гап борар экан, Ўзбекистон давлат тарихи музейига алоҳида тўхталуш керак, деб ўйлайман. Музейга кирарверингда академик Ақмал Икромовнинг, О.Хабибуллин, Зайнуддин Фахриддинов ва бошқа рассомлар биргалликда бир неча ой давомида яратган улкан монументал панно турибди. Юртбошимизнинг шаҳсан ўша, нўжиятда банд бўлишига қарамай, ўнлаб аскаларни иждокорлар билан биргаллик муҳожима қилиб, ҳар бир эскизни чўқур ўрганди. Ўзбекистоннинг портрети яратилишининг ташаббускорларидан бўлди. Бошқа қўллаб йирик полотнолар хусусида ҳам шундай дейиш мўмкин. Шу ўринда музейдан жой олган ўш рассом Алишер Алиқулловнинг “Амир Темур ва темурлар дашви уйғониши” ҳамда “Ватан истиқлоли фойдалари” маҳаббатли панноларини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу асарларни бемалол миллий маҳаббатли санъатимиз ютуқлари қаторига қўлиш мўмкин.

Маъзур музейда намойиш этилаётган тош қўяларга ўйиб ишланган ибтидоий ов сахналари, кийиклар, қамончилар, тоғ эчкилари, сиртлон ва буғулар тасвирилари, академик Ртвеладзе таърифига кўра, миллион йиллар аввал она заминимиз нафақат илк маданий ҳаётнинг, балки жаҳон тасвирий санъатининг бешити бўлган, деб айтиш имконини беради.

нима билан банд, унинг турмуш тарзи, орау-ўйлари, юртимиз қиёфаси, тарихимиз саҳифаларини мангуликка муҳрлайдиганлар рассомлардир. Айниқса, кишлоқларда ижод қилаётган рассомлар фаолияти бу борада ўрнақ бўларли.

Камчиликка келадиган бўлсак, ҳозир мен айтадиган ҳолат бутун дунё рассомлари иждоига тааллуқли деб ўйлайман. Хусусан, тараққий этган мамлакатлар рассомлари миллийликдан йироқ, умумлашган, фақат ижро шакли билангина фарқ қилувчи ижод услубига ўтиб олдилар. Биздаги ижодий жараён ҳам бу қусурлардан ҳоли эмас. Жаҳондаги энг нуфузли Венеция биеннализиде ҳам бу фикрни тасдиқлади.

Юқорида айтганимдек, аждокдоримиз хотирасини абадийлаштириш, тарихимиз саҳифаларини ёритишда рассомлар катта иш қилдилар. Бирок, бугуннинг қаҳрамонини кашф этишда, оддий кишлоқ меҳнаткашлари, маҳалладошларимиз қиёфаларини яратишда қардор бўлиб қоляптилар. Тўғри, вилоятда ишлаётган рассомлар бу бўшлиқни тўдиришга ҳаракат қилишляпти. Бирок пойтахтда ижод қилаётган энг истеъдодли рассомларимизда бу борада фаоллик етишмяпти. “Обод маҳалла йили” муносабати билан бу камчиликлар ҳам ечимини топса ажабмас.

— Турсунали Каримович, энди бевосита ўз иждоингизга доир саволларга ўтсак. Кейинги пайтларда фото санъати билан астойдил шуғуллана бошладингиз. 2001 йили Токиода ўтган “Халқлар ва удумлар” мавзудаги халқроқ танловда ЮНЕСКО таъсис этган фото санъати устасига бериладиган “Окомото” совринига сазовор бўлдингиз. Умуман, фотони — лаҳзани мангуликка муҳрлаш ишини санъат сифатида тушунишгизга нима туртки берди?

— Мен ўтган асаринг 60-йиллари охиридан бошлаб фото санъати билан шуғулланаман. Бу фаолиятим бугунга келиб юзага чиққанининг сабаби шундаки, собиқ шўро мафкураси фотони санъат сифатида тан олмас эди. Чунки суратта тушириш ҳар бир лаҳзани, тарихни ҳужжатларга муҳрлаш бўлиб, унда шўролар жаҳон олдидега хаспўшламоқчи бўлган томонлар аниқ кўриниб қолиши турган гап эди.

Шунинг учун ҳам мустақил давридигана бизда фото санъат даражасига кўтарилиди. Айнан истиқлол туғайли ўзбек фото санъати жаҳон маданияти муносиби ўрин эгаллашга муваффақ бўлди. Бугун дерли барча хондонда фотоаппарат бор. У оддий рўзгор буюмларидан ҳам бадийлик яратишга қодир.

Академиямизда 1997 йили ташкил этилган фото секцияси 2001 йили Тошкент фотосуратлар уйига айлантирилди. Яқинда мана шу уй Халқроқ бадий фото федерацияси — FIAPга аъзо сифатида қабул қилинди. 85 дан зиёд мамлакат бадий фото ташкилотларини аъзо бўлган бу нуфузли ташкилот бизнинг ҳам қабул қилинишини юртимизда тасвирий санъат шу йўналишининг салоҳиятидан, турли бадий кўргазмаларининг юсқас савияда ўтаётганидан далолатдир.

Ҳозир Тошкент фотосуратлар уйи “Обод маҳалла йили” дастури бўйича бир неча танловлар ўтказмоқда. Дастур доирасида август-сентябр ойларида НАТО ва Европарламентнинг Брюсселдаги штаб-квартирасида ўзбек санъати усталари ишлари ассосида “Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва одатлар” мавзуда бадий кўргазма ташкил этилади.

— Сиз қўллаб чет мамлакатларда, жумладан, Японияда бўлдингиз. Айни чоғда Япония ва Ўзбекистон маданий алоқаларининг раванқ топишига муайян ҳисса қўшиб қелаясиз. Шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

— Эҳтимол, Япониядек кўнчиқар мамлакат бизни ўзи учун илгарироқ кашф этгандир. Биз эса Япония ва японларни мустақиллик туғайли кашф этдик, деб ўйлайман. Аввало, Япония ва Ўзбекистон халқларининг маданиятлари, гўзаллик ҳақидаги тушуночалари, меҳнаткашликлари, камтарликлари, санъатсаварликлари, урф-одатлари ўшаб кетади. Хатто, ерда чордона кўриб ўтиришлари, овқатланишлари, танчаларига буйраларига бизни ҳайқайди. Шу ҳақда гап кетганда, япон олимларининг ўзлари кўни нарсалар биздан уларга ўтиб, сакланиб қолганини эътироф эдилар.

Нафақат Япония, балки Жанубий Корея, Хитой билан ҳам муносабатларимиз яхши. Жанубий корейлик ҳаммасларимиз ҳар йили мустақиллик байрами арафасида ўз ҳисобларидан кўргазма ташкил эдилар. Биз ўз ўтмиш маданиятимизнинг акс садосини мана шу мамлакатларда кўряймиз. Шунинг учун ҳам бу мамлакатлар иждокорларимизни нўжиятда қизиқтириб қолди. Мазкур давлатларнинг университетлари, олиў ўқув юртлари, санъат мақтаблари ва олимлари билан ҳар икки томонлама муносабатлар яхши йўлга қўйилган. Бу эса маданиятларимизнинг яқинлашишида, ўзаро тажриба алмашишида, боийишда катта аҳамият касб этмоқда.

— Сизнингча, иждокор учун энг муҳими нима? Нима сизга илхом беради?

— Иждокор учун энг муҳими — садоқат. Иждога, ватанга, халқига, жамиятга, жамики тиркикликка садоқат. Мен эътиқод қўйган омили — халқимизнинг тарихи. Айнан шу тарих менга илҳом беради. Юртимиз тарихига тааллуқли ҳар бир янги манбани ўрганишга, таҳлил қилишга интиламан. Хатто билган нарсаларимни ҳам қайта-қайта кўздан кечириб, бирор янгилик топаман. Фарзандларим билан бугунги кун масалалари ҳақида гап-лашаётганда ҳам тарихимизга мурожаат қиламан. Ҳозирги воқеаларга тарихдан замин ахтараман.

Аслида тарихни фарзандагилк бор ота-она тушунтиради. Туғилган жойи, оиласи, юрти тарихи ҳақида фарзандига сўзлаб бериш ота-онанинг бурчи. Тарихни саёз билган одамни ўқимишли деб бўлмайди.

Менга “юртимизга байрамлар ярашади” деган ибора ёқади. Шу байрамлару тадбирларнинг барчасида рассомнинг қўли бор, иждоий ҳиссаси бор. Биз кўпинча эътибор бермаймиз, лекин аслида оддий ҳовли-жойимиз, туриш-турмушимиздан тортиб, юртимизнинг гўзаллашиб бораётганида ҳам қайсидир соҳа бўйича ишлаётган рассомнинг ҳиссаси бор. Бу менга фахру қувонч бағишлайди, айни вақтда янада масъуляти билан ишлашга ундайди.

Гулчехра УМАРОВА суҳбатлашди

БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

Богбон кўнат ўтказар экан эртасигаёқ куртак элиб, индинга меза туғишини кутмайди, албатта. Бу узоқ вақтга чўзилмадан жараён. Ниҳол томир ташлаб қўйиб ёғдусидан, богбон меҳридан тароват олиб ўз куртакларини ниш урдирад. Ушаб жараёнда офтобу богбон саховати бирдек зарур бўлади. Истиқлолимизни худди шу навниҳолга қиёс этгүли!

Яна санокли кунлардан сўнг Мустақилликнинг мўчал ёшини ниҳонлаймиз. Ҳўш, шу 12 йил ичидега серкўёш Ўзбекистон қандай қиёфа касб этди?

Биринчидан, мамлакатда туб иқтисодий илохотлар амалга оширилди. Йирик саноат нишоотлари қад кўтарди, темир йўл ва йирик автомагистраллар, ўнлаб қўшма корхоналар курилди. Хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари... Хоржий мамлакатлар билан самарали алоқалар. Буларнинг барчаси бундан йўн беш — йиғирма йиллар муқаддам етти ухлаб тушимизга да кирмаган воқелик эди. Алҳол ана шу ўзгаришлар мамлакат келажакни тасаввур этишга имкон беради.

Иккинчидан эса халқимизнинг маънавий-маърифий юксалишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Спорт, санъат ва адабиёт, илму фан жаҳонга ўзбекини танитди. Ер курагининг олим минтақаларида байрогимиз кўтарилиб, маънавиямиз янраган чоғда кўзларимизда севинч ёшлари халқлангани ҳам бор гап.

Энг муҳими, ёшлар фаолияти Юртбошимизнинг диққат эътиборида турибди. Қайси ёш йиғит-қизга Тангри иктидор ато этган бўлса, ўша салоҳият уқунлари кўз қорачиғиде асраб, авайланади, ардоқланади. Гам-хўрлик, раҳнамоллик, моддий ва маънавий рағбат истиқлол меъморидандир. Сай-ҳаракат, шижоат ўша эзу амалларга жавоб була билса — шунинг ўзи бир шўқрона.

Айни кунларда бугун эътибор мамлакатимизнинг бош майдонидега ўтказиладиган байрам шодиёналарига қаратилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг



Ойгул АСИЛБЕК ҚИЗИ

ИСТАК
Бор бўлгим келадим ойнинг саҳнида, Юлдузлар ёнида, осмон тахтида. Будут бешигади, аста тебраниб, Иснинг келди қуёш тағтида.

ТУШ
Ўтган кунларимни ёдимга солиб, Нечун сен кеча тушимга қирдинг. Кабулгардй овоз халлим олиб, Ёки кўргим келгани билдинг.

Ўзимни самода ҳис эдим гўё, Бахтиёрлик майдан эдим мен сарҳўш. Қалбинг бир умун-у, Ҳўксим бир дарё, Бу кеча кўрдим беҳад ширин туш.

СЕН
Сени менга тақдир этарди уйку, Бир зумта бўлса ҳам бахтиёр этдинг. Бу уйку давом этсади мангу, Ёлғизликдан қўрққан шарпай кетдинг.

Биламан тун ўтиб, яна тонг отар, Яна сенсиз юрак қолар қайғуда. Ҳаётим ҳижронида ўтигдан қўра, Ачинмайман умрим ўтса уйқуда.

Наманган.



Гулбахор ҚОБУЛОВА

ИЛИНЖ
Дунё тор бўлин майли Ипқимиз оловига Қорни ҳам ёндирди Меҳрим ўт қаловида.

ТЕМИР ИЗЛАРДАГИ ҲАЁТ НАҶАСИ



Темир йўл — мамлакатимиз иқтисодийнинг истиқболли. Саҳроларнинг ҳаёт томири. Қўндалик турмуш тарзимизни темир йўлларсиз тасаввур қилолмаймиз. Мамлакатимизнинг бир томонидан бошқа бир бурчига тонна-тонналаб ташиллаётган юқлар — қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқаришимиз учун зарур бўлган хомашёлар, ёқилги маҳсулотлари, қолаверса, озиқ-овқатлар... бари-бари бизнинг фаровон, тўқин-сочин яшашимиз манбаидир.

Темир йўл узогимизни яқин қилади. Юртимизни бошқа давлатлар билан боғлайди. Айниқса, мустақиллик йилларида темир йўлларимиз узайиб, жаҳоннинг улуг йўлларига туташди. Жаҳоний андозаларга мос тарзда вагонларни тасмирлаш йўлга қўйилгани ҳам истиқлол шарофатидир.

Суратларда: Ўзбекистон темир йўлларининг бугунги манзаралари акс этган.

ДАБДАБАЛИ ТҮЙНИНГ “ДАҒДАҒАСИ” БОР

олди-қочди қўшиқларнинг фарзандларимиз руҳиятига салбий таъсири, бир сўз билан айтганда, қўшиқлардаги шармсизлик ҳақида гап борди. ТВда, матбуотда йиғин моҳияти кенг тарғиб қилинди. Шундай тадбир керак эди, бундан кейин ҳам шу мавзуда даъво қилишлар — айрим маданиятсиз хонанда-ў, талантсиз шoirларга таъсир қилса ёмон бўлмайди, албатта.

“Маънавият ва миллий қадриятлар” мавзуда Республика ҳотин қизлар қўмитаси ва “Маҳалла” хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтган анжуманда тўйларимиздаги дабдаба-бозиллар, исрофгарчиликлар, айтиш мўмкинчи, маросимларнинг ортиқча турлари, ўзини кўз-кўз қилишини бидъат ва ҳуррофотдан бўлак нарса саналмайдиган қўриқилари таниқид остига олинди.

Кўни кечаги йиғин ҳам миллатимиз маънавияти ва маданиятига дахлдор эди.

Республика Маънавият ва маърифат марказининг бу ишдан қувонмоқ керак. Бундан шунчаки йиғин ўтди, режадаги иш бажарилди, қабилда қарасак ўзимизни, фарзандларимизни, келажакимизни алдаган, маънавий илдишимизга болта урган бўламиз.

Айримларимиз дабдабали тўй учун икки ярим миллионда, айниқ пил сарфаб қизимизга мебел оламиз. Бирок фарзандимиз учун ўн миң

дабдабали тўйларнинг миллат маънавиятига дахлдор бошқа жиғатлари ҳам бор; Масалан, хорижий каналлардаги бешарм кинолар китоб ўқимайдиган, ўз мустақил фикри шакланмаган ўсимларимиз юзини “очиб” қўймоқда. Мултифильмларга ҳам “севги” мавзуси кириб келмоқда. ТВ ёшларни танбал қилиб, айрим ҳолларда ёмон йўлга бошламоқда.

Тунги кафе ва барлардаги баъзи такасалтанг ёшларни нега ота-оналарига тергашмайди? Маҳалладаги дабдабали тўйлар билан ёндашишлари лозим.

